



*Handwritten signature*

НОКИМИ

ХОКИМИ

## QAROR

2009 yil « 6 » *май*

№ 465-к

«Кулбаипоён» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Равонак» маҳалласида жойлашган фуқаро Аминов Мамалатифга тегишли шахсий дорихона биноларининг бир қисмини нотураар жой тоифасидан турар жой тоифасига утказиш ҳақида»

«Кулбаипоён» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Кулба» маҳалласида яшовчи фуқаро Аминов Мамалатиф туман хокимлигига ариза орқали мурожаат этиб, «Равонак» маҳалласида умумий 0,20 га ер майдонида жойлашган шахсий дорихона биноларининг бир қисмини яшаш учун жойи йуқлиги сабабли нотураар жой тоифасидан турар-жой тоифасига утказиб беришни сураган.

Такдим этилган ҳужжатлар урганилганда : туман хокимининг 2000 йил 20 мартдаги «Равонак» маҳалласида шахсий дорихона биносига эгалик қилиш ва 0,20 га ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги № 127-К сонли қарори, туман кучмас мулк ва давлат кадастрининг 1999 йил 11. мартда тайёрланган шахсий дорихонанинг ҳужжатлар туплами, туман Ички ишлар бўлими Ёнгин Хавфсизлиги бўлинмасининг 2009 йил 15 апрелдаги № 50 рақамли, туман Давлат санитария эпидемиология назорат маркази Бош врачининг 2009 йил 16 апрелдаги № 60 рақамли ва туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг 2009 йил 20 апрелдаги № 265 рақамли Аминов Мамалатифга тегишли шахсий дорихона биноларининг А-Литерадаги 1,2,3,4,5,6,7,8 ва 9 хоналаридан 6 ва 9 хоналарини А2-Литерадаги 1,2 ва 3 хоналаридан 1 ва 3 хоналарини ва Б-Литерадаги хоналарининг ҳаммасини жами фойдали майдони 211,50 м.кв. булган умумий 0,18 га ер майдонида жойлашган нотураар жой ҳисобланадиган биноларини турар жой биносига айлантириш мумкинлиги ҳақидаги ҳулосаларини ва Аминов Мамалатифнинг аризасини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси» нинг 17-моддасига асосан

### КАРОР ҚИЛАМАН:

1. «Кулбаипоён» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Равонак» маҳалласида жойлашган фуқаро Аминов Мамалатифга тегишли булган умумий 0,20 га ер майдонида жойлашган шахсий дорихона биноларининг А-Литерадаги 1,2,3,4,5,6,7,8 ва 9 хоналаридан 6 ва 9 хоналарини, А2-Литерадаги 1,2 ва 3 хоналаридан 1 ва 3 хоналарини ва Б-Литерадаги хоналарининг ҳаммасини, жами фойдали майдони 211,50 м.кв. булган умумий 0,18 га ер майдонида жойлашган нотураар жой ҳисобланадиган биноларини турар жой биносига айлантиришга розилик берилсин:

2. Мазкур қарор қабул қилиниши ва Аминов Мамалатифга тегишли шахсий дорихона биноларининг бир қисмини нотураар жой тоифасидан турар жой тоифасига айлантирилганлиги муносабати билан туман Ер тузиш ва кучмас мулк кадастри давлат унитар қорхонаси /Т.Шаропов/-га бинонинг ҳужжатлар тупламига узгартириш қиритиб, туман статистика бўлими ва туман Давлат солиқ инспекциясига тегишли маълумот такдим этиш топширилсин.

3. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман хокимиининг биринчи уринбосари Б.Кодиров зиммасига юклатилсин.

Туман хокими :

*Handwritten signature*

Б.С.Садуллаев